

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 14 март, жума № 41 (1466)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 13 март куни Оксаройда Мексика Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Раул Фортунанто Кардосо Майкут Ишонч ёрлиғи топшириди.

Ислом Каримов элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлашни билан кутлар экан, Ўзбекистон билан Мексика ўртасида кўплаб соҳаларда, ҳусусан, халқаро ташкилотлар доирасида сиёсий ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Мексиканинг ЭКОСОС (БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши) ҳамда Жаҳон метеорология ташкилоти Ижроия кенгашига аъзо бўлишини қўллаб-қувватлаган. Мексика томони эса Европа тиклишни ва тараққиёт банкнинг йиллик мажлисини Тошкентда ўтказишга хайрлихлик билдирган.

Мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2000 йилдан буён ҳар йили бир неча ўзбекистонлик талаба, Мексика ҳукумати грантлари асосида ушбу мамлакатнинг олий ўқув юрталарига ўқишга жўнатилмоқда.

Президентнинг Мексика элчиси билан суҳбатда савдо, сармоа, сайёҳлик, қишлоқ ҳўжалиги ва тўқимачилик соҳалари йўналишлари бўйича икки томонлама ҳамкорликни ривож-

лантриш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Хорватия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Амир Мухаремидан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Учрашувда Ўзбекистон ҳам, Хорватия ҳам ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлиги таъкидланди. Европа марказида жойлашган Хорватия 2004 йили Европа Иттифоқи ва НАТОга қўшилиди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон билан Хорватия бир-бири учун ўз минтақасидаги дарвоза вазифасини ўташи мумкин.

Амир Мухарем самими қабул учун миннатдорлик билдирди, Ўзбекистон-Хорватия муносабатларини ривожлантириш йўлида куч-гайратини аямаслигини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентига Словения Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Франци Демшар Ишонч ёрлиғи топширди.

Словения ҳам 2004 йили Европа Иттифоқи ва НАТО аъзолигига қабул қилинади. Президент Ислом Каримов элчи билан суҳбатда бу воқеа Ўзбекистон-Словения алоқалари ва умуман мамлакатимизнинг Европа давлатлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш учун янги имкониятлар очилишини таъкидлади. Ф.Демшар ўз мамлакатининг

ҳукумати Ўзбекистонга нуфузли делегация жўнатиб, ҳамкорликни кенгайтириш борасида музокара ўтказиш ва эришилган келишувлар бўйича ҳужжатлар имзолашни режалаштираётганини маълум қилди.

Президент Ислом Каримов Словения элчисига бошлайтган хайрли ишларида муваффақият тилади.

13 март куни Президент Ислом Каримов Норвегия Кириллинининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ойвинд Нордслеттендан ҳам Ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Сўнгги пайтда Норвегия томони Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалаларига эътиборни қучайтирмоқда. Мамлакатларимизда эса бир-галликда ишга солиниши мумкин бўлган имкониятлар ачангина. Шу жиҳатдан Норвегиянинг «Квернеланд» муҳандислик ва қурилиш гуруҳи, «Никомед Да» фармацевтика фирмаси, «Гронер Карри энд Браун» нефт-кимё соҳасидаги корхонаси Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйишга қизиқиш билдираётгани алоҳида эътиборга молик.

Президент Ислом Каримов мамлакатимиздаги нефт-газ конларини ўзлаштиришда нефт экспорти бўйича дунёда учинчи ўринда турувчи Норвегия билан ҳамкорлик катта самара беришини таъкидлади.

Элчи Ўзбекистон-Норвегия муносабатларини янада ривожлантириш йўлида хизмат қилишни ўзи учун шараф, деб билишини айтди.

Шу куни Ўзбекистон Президентига Жанубий Африка Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Собизана Мнгиқана Ишонч ёрлиғи топширди.

Икки томонлама ҳамкорлик Ўзбекистон ва ЖАР манфаатларига мос тарзда раванқ толиб бораётир. 1997 йилнинг сентябрида Тошкентда «Марказий Осиё - ядро қуролидан холи зона» мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда ЖАР вакили қатнашиб, бу ташаббусни кенг қўллаб-қувватлаган. Айни пайтда икки мамлакатда ҳам ўзаро сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини яратишга қизиқиш катта.

Суҳбат чоғида иқтисодий ҳамкорликка ҳам эътибор қаратилди. АҚШнинг «Ньюмонт Майнинг» компанияси йўналиши бўйича Ўзбекистонга ЖАРдан тоғ-кон сановати ускуналари келтирилган. Мазкур компаниянинг мамлакатимиздаги фаолиятини амалга ошираётган мутахассислар орасида Жанубий Африка Республикаси фуқаролари ҳам бор. Ўзбекистонда ЖАРнинг «Голд Филд» олтин қазиб олиш компанияси фаолият қўрсатмоқда.

Расмий маълумотларга қараганда, яқинда ЖАР минерал ва энергетика захиралари вазириги делегацияси Ўзбекистонга келиб, тоғ-кон сановати соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилади.

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЙДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари федерациясининг бош қотиби Диде Шерпелт бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

Музокарада асосий эътибор ушбу халқаро ташкилот билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга қаратилди.

Ташкилот шарафига делегация мамлакатимиздаги таълим соҳасидаги таълим муассасалари билан мулоқот чоғида гуманитар дастурларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олинди.

Шу куни делегация аъзолари пойтахтимиздаги Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятига қарашли коллежда ҳам бўлди. Мазкур ўқув маскани талабалари билан учрашувда халқаро ташкилот томонидан амалга оширилган ишлар ва унда Ўзбекистоннинг фаол иштироки ҳақида сўз борди.

(ЎЗА).

ЯЙЛОВ СУРУРИ

Ям-яшил ўт-ўланларга бурканган «Қирли» яйлови бир томони Ғузор даштлари, бир ёни қўшни Туркманистон ҳудудларига туташиб кетган. Фаслар келинчаги навабахор шўқуҳи билан яшнаётган қир-адирларда мингмиглаб қўй-қўзилар боқилади.

Худудсиз дала-дашлар кўлам либосида. Табиат уйғониб, борлиқ жунбушга келган. Либосга бурканган бепоён кенгликларда майсалар ялтилайди. Теварак-атрофини қўй-қўзиларнинг маъраши тугиб кетган. Мана бир неча кундирки, Шербой оқсоқол ўғлининг ўтовиди. Суяги чорвачиликда қотган отахоннинг қўлидан чўпон тағини олган Зоир Жиянов 10 йилдан буён қўлда сурув хайдади.

От ўрнини той босар, деганларидек, фарзандим ишончини оқлади, дейди Шербой бобо. — Қўй боқилининг ҳадисини олган. Эрта тонгдан қўш қорайгунча акаси Хусан, жияни Элмуроджонлар билан тиним билмайди.

Оқсоқолнинг алқангаларига бор. Ёш чўпон отарида 560 бош совлиқ боқилапти. Ҳар юз бошдан 110 тадан қўзи олинди, 90 фоизи ўстиришга қолдирилди. Бир отардан икки отар яратди. Эвазига 31 бош қўзи, гилам билан муқофотланди. Икки юз минг сўмдан ортқ дивидент олди.

«Ишонч» наслчилик-қоракўлчилик ҳўжалигининг учинчи қўйчилик ширкатида 8800 бош майда мол парварши-

ланмоқда. Ширкат раиси Икромжон Зиёдуллаев эндигина 30 ёшни қаршилаган малакали мутахассис. Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институтининг зоотехника факультетини тугаллаб, эл ҳурматини қозонди. Ёғингарчилик мўл бўлганлиги учун «Қирли», «Говуя», «Чилиқо» ва «Сандиқчи» яйловларида табиий ўт-ўланнинг ривожини яхши. Ширкатдаги 13 та отарда тўл масвуми ушқоқлик билан олиб бориляпти. Бу йил мавжуд совлиқларнинг ҳар юзидан 105 тадан қўзи олинди, 4150 таси ўстиришга қолдирилди.

Бултур қўйчиликда 47 миллион 445 минг сўм даромад олинган бўлса, жорий йил бу ракам 52 миллион сўмдан ошадди. Тўл масвумида ишлаётганлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Тажрибали чўпон Райим Абдураҳмонов эса меҳнатда яхши натижаларга эришганлиги бос раңли телевизор билан муқофотланди.

...Тўлин ой ёғдуси яшил кенгликларни чарогон этган. Олдига чўпон ўтовлари оқариб қўринадди. Отарларни айланб ишни ақунлаган Икромжон уйга қайтганида жажжи қизалоқлари Ирода ва Зуннулар ором олишгаётган эди. Чорвадорлар ҳаётга қўниқиб кетган турмуш ўртоғи Нилуфархон уни уйқули қўзлари билан қарши олди. Бепоён яйловлар узра янги тонг бўзиб келаётган эди.

САХОВАТ

тикомат қилаётган қарияларга тарқатилди.

— Ҳўжалигимиз аъзолари ўзлари етиштирган мевалардан вилотимиздаги шифохоналарга, «Меҳрибонлик уй»ларида соғва тарихасида тарқатиб келади, — деди ҳўжалик раиси Шўҳратжон Бекназаров «Туркстон-пресс» муҳбирига. Айниқса, туманимиздаги Саховат

уйини ҳар бир байрамда йўқлаб тураими. Бундан ташқари, ҳўжалигимиз далаларида етиштирилаётган полиз ва сабзавот маҳсулотларидан ҳам келтириб, ўқсик дилларни шод этамиз.

Дарҳақиқат, «Яккабоб» ширкат ҳўжалиги боғ-бонларининг саховатидан қўлчилик мамнун. Шундай хайрли ишлар қадим қадриятларимизга умрбоқийлик бахш этса ажабмас.

ОЛИБСОТАРНИНГ БОЗОРИ ҚАЙТДИ

лари томонидан «фаолияти»га чек қўйилди. Учар йигитнинг шахсий автотомобили сақланадиган бостирма

кўздан кечирилганда 600 минг сўм пул топилди. Сўнгги пушаймоннинг фойдаси бўлмади. Қонун барчага баробар. Тузуққа илган олибсотар Наманган шаҳар судининг ҳўқмига кўра муносиб жазосини олди.

Мамат Абдураҳмонов сўнгги ойларида энг учиди иш қўриб, ғирром йўллар билан келтирилган хорижий моллар олди-сотдисини қучайтириб юборди. Уялмай-нетмай бирни унга пуллади. Наманган шаҳридаги «Чор-

су» даҳасидаги шохобчада қарий 150 метрлик 21 турдаги матони зўр бериб мактабгаданида отахонлардан бири унга юзлашиб дакки берди:

— Уят эмасми ука, ахир ўзимизда ишлаб чиқарилаётган раңг-баранг, арзон, пишқ газламаларнинг баҳоси йўқ-ку! Яқинда Франциядан келган меҳмонлар гўзал, бежирим атласларимизни, минг хилда товланувчи матоларимизни қўриб, тасановлар айтишди. Сен эса одамларни алдаб пулни ишлаясан.

Олибсотар бўш келмади. Товушини кўтарганича матоларини мактай кетди. Лекин кўп ўтмай унинг ҳам бозори қайтди. Тегишли идора ходимлари сотаётган матоларининг ҳужжатини сўрашганида лом-мим дедмай қолди...

Ҳаётда ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт, маҳалла-қўй олдиди ёруғ юз билан яшаганга не етсин. Ношукурлик йўлига кирган, одамларни алдаб, бирни иккига сотаётган кимсалар эса охир-оқибат итга бўладилар.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» муҳбири.

БОЛАЛАРГА СПОРТ КИЙИМЛАРИ

«Ўзбекистон-спорт» давлат акциядорлик компаниясида болалар спорт кийими ва анжомлари кўрғазмаси ўтказилди.

Спортга, айниқса, болалар спортига мамлакатимизда катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Президентининг «Болалар спортини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ҳам болаларга мўлжалланган спорт кийимлари ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлашга алоҳида тўхтаб ўтилган. Кўрғазмада компания тасаруфидидаги ўттиздан зиёд корхоналар, шунингдек, «Ўзбекчарм-побазали» уюшмаси, маҳаллий ишлаб чиқариш фирмаларида тайёрланган спорт анжомлари, кийим-кечаклар намойиш қилинди.

— Спортнинг барча тури бўйича катталарга ва кичик ёшдаги спортсеварларга мўлжалланган, дизайни, сифати жаҳон андозалар талабларига тўлиқ жавоб берадиган кийим-кечаклар, пойабзаллар ҳамда спорт анжомларини тайёрлашимиз лозим, — деди компания раиси Уктам Исмоилов кўрғазмада сўзга чиқиб. — Бу ишлар уч босқичда амалга оширилиши керак. Икки ойдан сўнг тайёр маҳсулотларнинг энг яхши намуналари танлаб олиниб, оммавий равишда ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Кўрғазмада намойиш этилган спорт анжомлари ва турли ёшдаги спорт ишқибозларига мўлжаллаб ишланган бежирим пойабзаллар кўпчиликтида қизиқиш уйғотди.

«Туркстон-пресс»

Вазирлар Маҳкамасининг 17 февралдаги мажлисида ички бозоримизни ўзимизда ишлаб чиқарилаётган арзон, сифатли, бежирим маҳсулотлар билан тўлдириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Юртбошимизнинг «Биз, қизикш қаратдилар. Корхона рационализаторлари ҳамда иxtиروحиларининг саъй-ҳаракатлари боис жуда қисқа фурсатда 20 дан ортқ эътиёт қисмлар ва бутловчи механизмларни корхона цехларининг ўзида ишлаб чиқаришга

қизикш қаратдилар. Корхона рационализаторлари ҳамда иxtиروحиларининг саъй-ҳаракатлари боис жуда қисқа фурсатда 20 дан ортқ эътиёт қисмлар ва бутловчи механизмларни корхона цехларининг ўзида ишлаб чиқаришга

Яқингача Ромитан туманидаги «Алтай-техсервис» корхонасида асосий ишлар четдан келтириладиган бутловчи ва эътиёт қисмлардан фойдаланиш эвазига бажариларди. Қолаверса, корхонада қайта таъмирдан чиқарилган «Алтай» русумли хайдов трактори сифатига ҳеч ким қаролаб бера олмасди.

Яқинда қишлоқ ҳўжалиги тизимида фаолият юритаётган корхоналарнинг Янгийўл шаҳрида бўлиб ўтган республика ярмаркасида мухлислар «Алтай-техсервис» корхонасининг тамгаси босилган маҳсулотларга

Ишчи Лутфилло Қиличев: БАРЧА ЭЪТИЁТ ҚИСМЛАР ЎЗИМИЗДАН

— Янги йилдан эътиборан корхонада янгича ёндошувлар асосида иш юритилаётганлиги бизни қўрқинтирмади. Энди таъмир сифати учун ҳам қаролаб бор. Шунинг учун ҳам ҳўжалигимизга қарашли 6 та «Т-4» тракторларини ушбу корхона жамоасининг мадади билан мавсумга созлаб олдик, — дея суҳбатни давом эттирди «Варахши» ширкат ҳўжалиги раиси Чори Шарипов.

Жамоада ҳаммаси бўлиб 56 нафар киши иш-

Фахр

лади. Уларнинг унумли ва баракали меҳнат қилишлари учун етарлича шарт-шароитлар яратилган. Вақти-вақти билан илгорлар рағбатлантирилиб турилибди.

2002 йилда ҳаммаси бўлиб вилот туманларидан келтирилган 168та хайдов тракторлари жорий таъмирдан чиқарилган бўлса, амалдаги йилнинг биринчи чорагидаёқ мавсумга созлаб қўйилган механизмлар сони юзтадан ошиб кетди. Корхона жамоасидан, айниқса Пешку, Жондор, Бухоро, Вобкент, Шофиркон туманларининг аҳли беҳад миннатдор.

Лутфилло Қиличев, Хожи Ҳакимов, Жалол Эргашев, Ортиқ Ҳалимов, Хайрулло Сайфуллаев сингари таъмирловчи усталар самарали меҳнат қилмоқдалар. Шу боисдан ҳам буортмалар белгиланган муддатларда бажарилмоқда. Тадбирлар, мудом изланишни ихтиёт этган жамоа хуш кайфият, кўтаринки руҳ, меҳнат билан Наврўзга пешвоз чиқаётир.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» муҳбири.



Самарқанд шаҳридаги Темирйўл туманида фаолият қўрсатаётган пластмассадан ҳўжалик моллари ишлаб чиқаришга иxtиروحиларининг қонанинг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмади. Аммо шунга қарамай тадбиркор Мамашариф Хайдаров раҳбарлик қилаётган ушбу корхона маҳсулотлари аҳоли эътиборини қозониб улгурди.

Бу ерда асосан, йигирма турга яқин турли-туман ҳўжалик моллари ишлаб чиқарилади. Корхонада маҳаллий хомашё, яъни «Шўртангаз» мажмуидан келтирилган полиэтилендан маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги боис, улар ўзининг арзон ва сифатлилиги билан ажралаб туради.

Хориждан келтирилаётган пластмасса молларига нисбатан арзон ва чиндамли ушбу халқ истеъмол товарларининг бугунги кунда бозори чаққон.

Суратда: созловчи Зийдулло Раҳмонов.

Тоҳир НОРКУЛОВ
(ЎЗА) олган суратлар.

Испод

кўздан кечирилганда 600 минг сўм пул топилди. Сўнгги пушаймоннинг фойдаси бўлмади. Қонун барчага баробар. Тузуққа илган олибсотар Наманган шаҳар судининг ҳўқмига кўра муносиб жазосини олди.

Мамат Абдураҳмонов сўнгги ойларида энг учиди иш қўриб, ғирром йўллар билан келтирилган хорижий моллар олди-сотдисини қучайтириб юборди. Уялмай-нетмай бирни унга пуллади. Наманган шаҳридаги «Чор-

су» даҳасидаги шохобчада қарий 150 метрлик 21 турдаги матони зўр бериб мактабгаданида отахонлардан бири унга юзлашиб дакки берди:

— Уят эмасми ука, ахир ўзимизда ишлаб чиқарилаётган раңг-баранг, арзон, пишқ газламаларнинг баҳоси йўқ-ку! Яқинда Франциядан келган меҳмонлар гўзал, бежирим атласларимизни, минг хилда товланувчи матоларимизни қўриб, тасановлар айтишди. Сен эса одамларни алдаб пулни ишлаясан.

Олибсотар бўш келмади. Товушини кўтарганича матоларини мактай кетди. Лекин кўп ўтмай унинг ҳам бозори қайтди. Тегишли идора ходимлари сотаётган матоларининг ҳужжатини сўрашганида лом-мим дедмай қолди...

Ҳаётда ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт, маҳалла-қўй олдиди ёруғ юз билан яшаганга не етсин. Ношукурлик йўлига кирган, одамларни алдаб, бирни иккига сотаётган кимсалар эса охир-оқибат итга бўладилар.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН САНАТОРИЙЛАРИ

уларга хорижликларнинг ҳам ҳаваси келмоқда

Кексаларимиз Қора денгиз қирғоғидаги «Анапа», Кисловодскдаги «Нарзан», Сочи ҳамда Россия, Украина, Беларус ва Болтиқ бўйи республикаларидаги курортларни яхши эшлашади. Уларнинг шифобахш иклими ҳамда минерал сувлари кўпчиликка маълум. Яқинда бир танишим ўша санаторийлардан бирида даволаниб қайтди ва менга қизиқ бир воқеани сўзлаб берди. Дам олаётган вақтида Болтиқ бўйидан келган бир киши билан танишиб қолибди. У бир неча йил муқаддам республикамиздаги «Чимён» сийхатгоҳида дам олганлиги ва у ердаги маъданли сувнинг асосий таркиби сероводород бўлиб, шифобахш таъсир этиш хусусияти бўйича Социдаги «Мацеста» сувидан қолишмаслиги, Ибн Сино санаторийсидаги маъданли сув таркиби эса радонли, хлорид-сульфатли бўлиб, Цхалтубо ҳамда Пятигорск курортларидаги маъданли сувларнинг таркиби билан бир хиллигини айтиб берди.

Танишим шуларни гапирар экан ортиқча ҳарajat қилиб, узоқ ерга бориб даволанганлигига бироз ачинди ва келгуси йилдан республикамиз ҳудудидаги санаторийларда даволаниш фикрини айтди.

Дарҳақиқат, республикамизнинг энг сўлим ерларига жойлашган санаторийларнинг иклимию, сувларининг шифобахшлигига нафақат мамлакатимиздагилар, балки чет элдагилар ҳам ҳавас билан қарашади. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармасида эса айтилган фаолият кўрсатётган 20 та санаторийдаги шароит ҳам яхшиланиб бормоқда. Мухбиримиз Курортлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари Толибжон Собиров билан шу ҳақда суҳбатлашди:

Айни пайтда бошқармамиз тасарруфида 20 та сийхатгоҳ муассасалари ҳамда 1 та мавсумий дам олиш маскани фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда санаторийларимизда дам олувчилар учун яратилган шароит чет элдан кам эмас, десам янглишмаган бўламан. Уларнинг 16 тасида даволанган жараёнлари минерал сувлар асосида олиб борилади. Улар қимёвий хусусиятлари бўйича дунёга танилган Кавказ, Россия ҳамда Украина курортлари ва бошқа бир қатор хорижий давлатлардаги минерал сувлардан қолишмайди. «Чортоқ», «Нихол», «Гулпаршин» сийхатгоҳларидаги маъданли сувлар таркиби ёд, бром, натрий, кальций, хлорид-магний каби фойдали моддаларга бой. «Чинобод», «Турон», «Ботаника»даги маъданли сувлар эса ўзининг қимёвий хусусиятларига кўра ошқозон-ичак касалликларини даволанган ниҳоятда қўл келади. Санаторийларимизнинг бундай шифобахш сувларга бойлиги даволанувчиларнинг дори-дармонсиз ўз саломатликларини тиклашлари учун етарлича имконият яратади.

Бундан ташқари барча сийхатгоҳларда парhez таомлар билан овқатланиш йўлга қўйилган. Шунингдек, доривор ўсимликлар ёрдамида даволанувчиларни фитофарлар ташкил этганмиз.

Санаторийлардаги яратилган шароит ҳам замон талабларига жавоб бериши мўҳимдир. Бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

Албатта, бусиз ҳеч иложи йўқ. Шу боисдан, жaxon андозалари талабларига жавоб берадиган сийхатгоҳлар барпо этиш, борларини эса давр талабига мослаштириш доимий диққат этиб боришимизда. Масалан, «Ок-Тош» санаторийсида нафас йўли ва астма касалликларига чалинган беморлар учун замонавий ётоқхона биноси қурилиб, ишга туширилди. Хоразм вилоятида эса 125 ўринли «Хонқа» санаторийси фойдаланишга топширилди. Даволанувчиларга янада қўлайли яратиш мақсадида 1-2 ўринлик хоналар ташкил этилди. Кейинги 2-3 йил давомида санаторийларимиз чет эллардан келтирилган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан янгиланмоқда. Масалан, «Чинобод», «Қашқадарё соҳили», «Турон», «Чортоқ», «Умид гулшани», «Ботаника» ва «Бўстон» санаторийларидаги УЗИ ҳамда «Турон», «Чинобод», «Чортоқ», «Чимён», «Умид гулшани» санаторийларидаги компьютерли ЭКГ аппаратлари ўрнатилди. Қўллаб сийхатгоҳларда эса «Мустанг» компьютер лазер аппарати ишлаб турибди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Курортлар бошқармаси йўлланмалар нархини имконият даражасида оширмасликка ҳаракат қилмоқда. Шу боисдан биздаги нарх-наво республикамиздаги бошқа вазирлик ҳамда идораларга қарашли санаторий йўлланмаларидан анча арзон.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекэнергия Давлат акциядорлик компаниясига қарашли Ангрэн иссиқлик электр станцияси республикамиздаги муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналардан. Хусусан, халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини электр энергия билан таъминлашдек масъулиятли вазифа адо этиб келинмоқда. Айни пайтда бу ерда 1700 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир. Эътиборлиси, ходимларни ижтимоий муҳофазалаш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, уларни санаторий ва профилакторийларда дам олиши ва соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун имтиёзли йўлланмалар ажратилди.

Суратларда: корхона ходимлари фаолиятдан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ
олган суратлар.



ЯНГИ ТАРМОК ИШГА ТУШДИ

Навоий шахридаги «Электркимёзаводи» кўшма корхонаси хиссадорлик жамиятида суперфосфат ишлаб чиқариш линияси ишга тушди. Янги линия Навоий кон-металлургия комбинати мутахассислари билан ҳамкорликда ўрнатилди. Унда «Кизилкум фосфорит комбинати» чиқиндиси қайта ишланиб, кунига йигирма тоннадан ортиқроқ суперфосфат ўғити ишлаб чиқарилмоқда.

«Электркимёзаводи» Самарқанд, Қўқон, Олмалиқ заводларидан кейинги тўртинчи корхона ҳисобланади. Эндиликда бу ҳудудда суперфосфатга бўлган талаб тўлиқ қондириладиган бўлди. Ҳозирнинг ўзида маҳсулот Навоий вилояти ҳўжалиқлари ва кўшни вилоятларга жўнатила бошланди.

Янги линия ишга тушгач яна қирқ нафар киши ишли бўлди.
(ЎЗА).

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

АЛЛО, ДЕНОВ ЭШИТАДИ

Яқинда деновлик бир отахон билан суҳбатлашиб қолдим. Отахон узоқни яқин қилаётган алоқачилар хизматидан мамнун эканлигини билдирди:

Туман марказидан анча олис қишлоқда яшасак-да хонадонларимизга телефон ўрнатилди. Алоқачиларга раҳмат. Чунки икки нафар ўғлим Тошкентда, бири ишлайди, иккинчиси ўқийди. Қунора улар билан гаплашиб тураимиз. Энди марказга бориб-келишга ҳеч қандай ҳожат йўқ, дейди у.

Албатта, бугунги ҳаётни телефон алоқасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида алоқа ва телекоммуникация соҳасида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилди. Хусусан, Денов туманида ҳам хорижнинг «ERICSSON» номли янги рақамли

станцияси ўрнатилди. Бу станция Деновдан ташқари Шўрчи, Олтинсой, Сароисиё ва Узун туманлари аҳолисига ҳам хизмат қилмоқда. Шўрчи ва Олтинсой туманларидаги АТСларга шимша талаби оптик кабеллар ўрнатилди.

Шимша талаби оптик кабелли станцияларнинг қўлайликлари жуда кўп. Чунки, олис қишлоқда туриб мамлакатимизнинг барча нуқталарига чиқиш имконияти мавжуд, дейди Денов телекоммуникация боғланмаси директори Бахтиёр Шоймардонов. Яна шунингдек, бундай телефонлар орқали бир йўла уч киши билан бемалол гаплашиши, яъни телефонларо мажлис ўтказиш ҳам мўкин.

Бугунги кунда мазкур телекоммуникация боғланмасида 117 нафар ходим хизмат қилади. Эргаш Ҳўжамуродов, Зокир Раҳимов, Мўҳаббат

Тўйчиева ва Елена Окаева сингари алоқачиларнинг олий даражадаги хизматидан барча истеъмолчилар мамнун. Шу боис корхонада меҳнат уюмдорлиги ошиб бораёпти. Масалан, 2002 йилга нисбатан жорий йилда олийк даромад 2-3 ҳисса ошди. Шунингдек, шахарлараро телефон алоқаси нуқталари сони ҳам ортиб бораёпти. Агар бир йил аввал ана шундай шохобчалар бўйғи биттагина бўлган бўлса, ҳозирда уларнинг сони саккизга етди. Бу аҳолига қатор қўлайликлар яратмоқда.

Корхона қасаба уюшма кўмитаси раиси Ҳабибулло Ҳамидовнинг таъкидлашича, алоқачиларнинг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратишмоқда. Ўтган йили ўндан ортиқ ишчи-ҳодимлар вилоятдаги турли сийхатгоҳларда ўз саломатликларини тиклашди. Ўн тўрт нафар боланжонлар эса «Чашма» оромгоҳида дам олдирилди.

Т.ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

ДАРОМАД ЎСМОҚДА

Янгиердаги «АТП-124» акциядорлик жамияти маъмурияти йўналиши тақсилларда йўл ҳақи нархини 50 фоизга арзонлаштирди.

Аваллари шахарда йўналишли таксининг нархи 100 сўм эди. Бу пулга шахар аҳли хусусий тақсида ҳам ўз манзилига етиб оларди. Йўловчиларни кўпроқ жалб этиш мақсадида автокорхона йўл ҳақини эллик сўмга туширди. Нархнинг арзонлаштирилиши эса йўловчиларга ҳам, йўналишли такси соҳибларига ҳам айна мудабо бўлди. Агар авваллари ҳайдовчиларнинг бир кунлик даромади 3000 сўмдан 5500 сўмгача бўлган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич икки бараварга ошди.

БОҒЛАР КЎРКИ

Оқолтин туманидаги Р. Мусамўхамедов номли ширкат ҳўжалиги уюшмаси жамоаси бугунги кунда янги боғлар барпо этмоқда.

Боғбонлар 20 гектар ерда ёш тоқларни ўстирмоқда. Шунингдек, 70 гектар майдонга эса олма, ўрик, шафтоли ва бошқа меваги дарахт кўчатлари ўтказилмоқда.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш оиди Мирзачўлда тўрт миллион туп меваги ва манзарали кўчатлар ўтказилади. Бугунги кунгача 3 миллион туп кўчатлар экиб бўлинди.

«Туркистон-пресс»

92 ФОИЗ ПАХТА ТОЛАСИ ХОРИЖГА

Уйчи «Пахта тозалаш» акциядорлик жамияти жорий йилда 92 фоиз пахта толасини хорижга экспорт қилишини мўлжалламоқда.

Ўтган йили ҳўжалиқлардан қабул қилинган 23 минг 368 тонна пахтанинг 86 фоизи биринчи навга олинган эди, - деди акциядорлик жамияти раиси Тождидин Бобоев «Туркистон-пресс» мухбирига. - Шу сабабли тола сифати юқори бўлмоқда. Бизнинг ишимизда сифат асосий мезон. Теҳажкорлик эса фойда келтиради. Қабул қилган пахтамиз куруқ бўлганлиги учун ҳаракатлар қисқарди. Биргина шунинг ўзидан 20 миллион сўм тежаб қолинди. Бозор иқтисодиёти даврида ишларимизни тўғри ташкил этганимиз туфайли ҳам ўтган йилга нисбатан тўрт ярим баравар ўсишга эришдик, - деди Т. Бобоев сўзининг якунида.

Гувоҳнома – мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа идораларда хизмат қилаётган кадрларга ташкилот муҳри билан тасдиқлаб берилган ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Албатта гувоҳнома тийёрлаш, ҳужжат устидаги ва ичидаги давлат рамзлари, ёзувлар қонунда белгиланган тартибда қайд этилади. Ходимлар хизмат давомида бу ҳужжатдан фойдаланиб, фаолият олиб борадилар. Табиийки, иш бевурчи билан ходим ўртасидаги меҳнат шартномаси бекор қилинган, унга берилган гувоҳнома ўз қучини йўқотади. Лекин...

Кейинги пайтларда Тошкент шахрининг турли нуқталарида «Буюк ипак йўли», «Чилонзор», «Беруний» метро бекатлари ёнида, Шимол-Вокзал, «Тошкент универмаги» супермаркети, «Авиасозлар» бозори атрофларида бир гуруҳ канц-моллари билан савдо қилаётган тадбиркорлар томонидан гувоҳнома, талабали ва ўқувчилик билети каби ҳуқуқий ҳужжатлар савдоси авжга чиқиб бормоқда.

Шуниси қизиқки, улар тўғри келган харидорни ўз ёнларига чорлаш билан оворалар. Бу гувоҳнома савдоси эртага қандай ижтимоий муаммолар келтириб чиқариши мўкинлигини негадир ўйлаб кўрмаймиз.

«Буюк ипак йўли» метро бекати атрофидаги канц-моллари ҳамда совғалар савдоси билан 32 нафар тадбиркор машғул. Уларнинг барчасида «Пойтахт-савдо» масъулияти чекланган жамияти ҳамда Мирзо Улуғбек тумани савдо департаментининг руҳсати бор. Лекин улар қандай моллар билан савдо фаолияти олиб бораётганлиги билан мутасаддиларнинг иши йўқ.

Кузатамиз, бу ерда Қизиларбас Ҳусанова, Эркин Тожиев каби тадбиркорлар гувоҳнома, талабалик ва ўқувчилик билетларини бемалол сотишмоқда. Ҳисоблаб кўрилганда, ҳар бир сотувчида 10тадан кўп гувоҳнома борлиги аниқланди. Уларнинг нархи ҳам турлича. 350 сўмдан 3500 сўмгача.

Бу гувоҳномаларни қаердан оласизлар, деб сўраймиз тадбиркор Ҳусановадан.

Бизларга олиб келиб беришади... Эшитишимиз-

Масала кўндаланг қўйилади

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Ҳўжалик юришчи субъектлар фаолиятини текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида»ги янги таҳрирдаги низом бежизга эълон қилинган йўқ. Афсуски, то ҳануз бу китобни юритиш тартибини билмайдиган масъуллар ора-мизда учраб турибди.

Фирибгарлик йўлига ўтган, осонлик билан катта маблағга эга бўлиш йўлини танлаган киши учун атиги 3500 сўмга салобатли гувоҳнома сотиб олиб, компьютерда ҳар қандай идоранинг гувоҳномаси ва муҳрини тийёрлаб бераётган қаққон дизайнерларга айтишса, бас. Исталган идоранинг сохта гувоҳномаси 5000 сўм билан тайёр ҳолда

ча, Зангиота туманидаги Қўёшли қишлоғида янги қурилган «Илм шўъласи» канц-моллари бозорига олгурчи бор экан. Уша ердан олиб келишса керак...

«Чилонзор» метро бекатининг Фарҳод кўчаси бўйлаб гувоҳнома савдоси айниқса авжга чиққан. На ички ишлар бўлими, на давлат солиқ инспекцияси ходимлари уларга эътибор қаратишади. Туман Давлат солиқ инспекцияси жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи Аваз

фирибгарнинг қўлида деяверилар. Наҳотки, тегишли идоралар бундай ишлардан бешаҳар бўлишса?

Гувоҳномалар асосан Зангиота тумани ҳудудидаги «Илм шўъласи» канц-моллари бозорига фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар орқали юқорида қайд этилган жойларга тарқатилишини юқорида айтиб ўтдик. Таъкидлашларича, бундай гувоҳномалар Собир Раҳимов туманида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Қ.Юсупов, Мирзо Улуғбек туманидаги «Уйжойжамгарма-банк» филиалида ҳисоб рақами очган хусусий тадбиркор М.Андреев ва Шайхонтоҳур туман «Юлдурус» хусусий фирмаси томонидан бозор ҳудудида олиб қирилмоқда. Бозор раиси Улуғбек Содиқов ва унинг муовини Убайдулло Абдуллаевлардан баҳонадан бошқа ҳўяли фикр ололмадик.

Бозорда гувоҳномаларни улгуржи сотиш билан шуғулланаётган тадбиркор Т. Лямина, Йўлдош Шукуров, Самидулло Нигматовлар наҳотки бунинг салбий оқибатларини ўйлаш-маса?

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 228-моддасида «Ҳўжатлар, штамп-лар, муҳрлар, бланкалар тийёрлаш, уларни қалбақлаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш» энг кам оийлик иш ҳақининг 50 баробаридан юз баробаригача жарима ёки 3 йилга аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ жазоси билан жазоланади, деб таъкидланганлигини улар билишармикан?

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси мутасаддиларининг таъкидлашича, ўтган 2002 йилнинг январидан декабр-гача 11728 та автобусларда бепул юриш ҳуқуқини бермайдиган ясама «гувоҳнома»лар аниқланган. Бу уюшмага катта моддий зарар келтирган.

2003 йилнинг январ, феврал ойларида 1019 нафар йўловчи ясама «гувоҳномалар» билан транспортларда юрганлиги аниқланди, - дейди уюшманинг транспорт хизмати сифатини назорат этиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Равадан Содиқов.

«Шарқ» нашриёти – матбаа акциядорлик компанияси мутасаддиларининг таъкидлашича, гувоҳномалар корхона ёки идораларнинг расмий хати билангина тийёрланиб, бюртмачиларга etkазиб берилади. Хатда кўрсатилганидан зиёд гувоҳнома тийёрла-ниши мўкин эмас.

Нега энди, матбаа билан шуғулланаётган хусусий тадбиркор ва фирма вакиллари ўзларича йўл тутишмоқда. Бу билан улар жиноятчилик ва фирибгарликка кенг йўл очиб бераётганликларини наҳотки тушуниб етмасалар?! Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон!

Хикматуллох КОДИРОВ,
«Ишонч» махсус мухбири.

«ЎЗДЭУАВТО» ТЎГАРАКЛАРИ

«ЎЗДЭУАВТО» кўшма корхонаси маҳсулоти рақобатбардошлигининг асоси - ишлаб чиқарилаётган авто-мобиллар сифатининг юқори эканлигидир. Авто-корхонада йўлга қўйилган назорат хизмати билан бир қаторда бу ерда сифат тўғрараклари ташкил этилган ва улар бу жараёнга корхонанинг деярли барча ходимларини жалб қилган.

Бу тизим турли моддий ва маънавий рағбатлантириш шакллари кўзда тутиб, ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишнинг энг оқилона йўллари излани-ши таъминлайди. Дастлабки 4 та сифат тўғрарак 2001 йил августидан фаолият юрита бошлади. Бугун уларнинг сони 92 тага етди ва ортиб бормоқда. Ихтиёрий асосда берилашган тўғрарак аъзолари муҳо-кама мавзусини танлайди. Вазифани белгилаб, муам-мони ҳал қилиш йўллари-ни қидиради. Натияжада ра-ционализаторлик таклифи

2- эса «Матиз»ни демонтаж қилиш пайтида олд ойнаси синишининг олдини олади-ган услубни таклиф қилди.

2002 йил якунларига кўра 5593 та рационализатор-лик таклифи киритилди, улардан 2235 таси жорий этилди, - дейди корпора-тив инновациялар бўлими менежери ёрдамчиси О.Цой. - Қўйлаётган иқтисодий самара 242 миллион сўмдан ошди.

Автокорхона мутахассис-ларининг фикрича, сифат тўғрараклари ишлаб чиқари-шни юксалтириш, маҳсу-лот сифатини яхшилашнинг муҳим омиллидир. Уларни республиканинг барча кор-хоналарида жорий этиш за-рур. Ўз навбатида, автокор-хона жамоаси бу борадаги тажрибалари билан ўртоқ-лашишга тайёр.

(ЎЗА).



ДУШАНБА, 17

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома» 8.45, 17.55 ТВ маркет. 8.50 Болалар учун. «Санъат гунчалари».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Камилла». Телесериал. 17.20 «Парламент соати».

12.05 Мусликий танаффус. 12.20 «Нигоҳ». 12.40 «Кўнчилик қаторида».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» почтаси.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

СЕШАНБА, 18

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«Ўзбекистон маркази». 19.10 «Мулдор».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.30 «Ахборот». 21.05 «Наврўз: кеча ва бугун».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

10.00 Алишер Навоий номидаги миллий боғдан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар олиб кўрсатилади.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

16.30 Кўрсатувлар дастури. 16.35 «Янги авлод» студияси.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

16.30 Кўрсатувлар дастури. 16.35 «Янги авлод» студияси.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТВда» сериал. «Муҳаббат ришати».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ШИРМОЙ ПАЗ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИАТИ 2002 ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН УМУМИЙ МАЖЛИС ЎТКАЗИЛИШНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ КҮН ТАРТИБИ

ЭНГ АРДОҚЛИ ВА КАДРЛИ

Наврўз — янги кун — кўёш (шамсия) тақими бўйича янги йил қирган кун. Хозирги йил ҳисоби бўйича 21-март, баҳор келиши ва дастлабки дала ишларининг бошланиши билан боғлиқ бўлган халқ байрамидир. Наврўз қадимий тарихга эга. У кеча билан кундузнинг тенглашган вақти сифатида Урта Шарқ ва Урта Осиё ҳудудида яшаган халқлар ўртасида кенг байрам қилинган. Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» деб аталган шох асарида таъкидланишича, Наврўз милоддан аввалги 3 минг йиллик охири ва 2 минг йилликнинг бошларида вужудга келиб, зардуштийлик гоёларига мос келадиган календар ижод қилинган. Унинг охириги ислоҳи Сасонийлар сулоласидан бўлган Яздигард даврида амалга оширилган.

матлик худоси бўлган Ахурамазданинг ягона сифатидир. Шунингдек, Тир ойи ҳам Сириус юлдузининг номи бўлиб, қадимда зардуштийлик бунга ҳам сизгиниб қараганлар. Мурдод ойи эса абобларимиз унга астойдил сизгинганлар. Саккизинчи ой — Обон деб аталган. «Об» сўзи сув бўлиб, уни яратган худода Урта Осиё халқлари қаттиқ сизгиниб келганлар. Озар ойи эса исломда «аносири



қадимий Авестодаги ва хозирги номларини келтириб ўтадиган бўлса, уларнинг аксарияти Ахурамазда худосининг маъно сифатларидан олинганлиги маълум бўлади. Масалан, Фарвардин ойи Авестода «Фраваша» деб аталиб, унинг мазмуни бутун маъжудотнинг руҳидир. Бу эса Ахурамазданинг бош сифатларидан бири ҳисобланган. Иккинчи ойнинг номи Ордибеҳишт, — яъни тақводорлик деб аталган бўлса, Хўррод — бусбутунлик, сало-

қирғач, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистоннинг бир қисми, ҳатто Кавказ халқлари ҳам исломга итлоқ қилдирилганда кейин, биз санаб кўрсатган мазкур ойлар амалдан қолган. Қизиги шундаки, қадимги бу ойларнинг номи бугунги кунда ҳам Эрон, Покистон ва Ҳиндистонда яшайдиган халқларнинг айрим қатламларида ишлатиб келинади. Авестошунос олимларнинг аниқлашича, бугунги кунда 200 мингга яқин кишилар Зардуштийлик динига сизгиниб келади. Яздигард календари синдирилгандан кейин барча исломлаштирилган минтақаларда 354 кунлик ҳижрий-қамарий йил ҳисоби амалга киритилди. Зардуштийлик барҳам топган, Наврўздаги зардуштийлик одалари ҳам ёддан кўтарилди. Бугунги кунда Наврўз баҳор ва дала ишларининг бошланиши, кун ва туннинг тенглашиши билан боғлиқ халқ байрами сифатида сақланиб қолган. Бу байрамга ислом дини Урта Осиё ва Эронда пайдо бўлиб, кучга

барба» деб аталган тўрт унсурнинг бири бўлган олов худосидир. Дей — ўзининг ой бўлиб, Авестода яратувчи худо Авестонинг сифатларидан бири бўлган Баҳмон, Эсфанд каби кейинги ойлар ҳам яхши фикр, яхши иш маъноларида келади. Ислом дини Урта Осиё ва Эронда пайдо бўлиб, кучга

Махмуд НАЗАРОВ, филология фанлари номзоди.

Нуқтаи назар

Сир эмаски, ишга жойлашиш эркакларга осонроқ кечади. Аёлни ишга қабул қила туриб, раҳбарлар унинг келажакдаги оилавий ташвишлари, шу жумладан, бола туғиш таътили, кейинчалик болалар парвариши билан шуғулланиши ва ҳоказоларни ҳисобга олишга мажбур бўлади. Хақиқатан ҳам бу даврда аёллар ишлаб чиқариш соҳасидан бироз четлашиб қоладилар ва мутахассис ёки ходим сифатида ишлай олмайдилар.

АЁЛ

уй бекаси ва ишбилармон

Бизнингча, аёллар ҳам оиласига гамхўрлик қилиб, ҳам ўз таъриба ва маълумот даражаларини ошириб боришлари учун уларнинг касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарлик тизимларини ўзгартириш керак. У шундай ташкил қилиниши керакки, аёл туғиш таътилидан сўнг ўз касбий мақомини теши тиклаши ва зарурият туғилганда касбини ўзгартира олиши мумкин бўлсин.

Хозирги замон иқтисодий вазиятига хос ҳусусиятлардан бири шуки, иш билан банд бўлмаган аҳолининг кўпчилиги қисмини аёллар ташкил қилади. Кўп болали оналарнинг ишламасликлари оилани турмуш даражасига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу муаммо халқроқ микёсга эга бўлиб, кўпгина мамлакатларда давлат даражасида қўйилмоқда. Ҳуқуқий давлатда оилани муқталик режалаштириш, шак-шубҳасиз, ҳар бир эркак ва аёлнинг ҳуқуқи ҳисобланади.

Аёлнинг жамиятдаги ўзига хос аҳолини ҳар томонлама ҳисобга олиш унинг ижтимоий ҳаётда тўлақонли шартроқ этиш имкониятларини инкор этмайди, балки шу имкониятларнинг амалга оширилиши йўл-йўриklarини аниқлаб беради. Аёллар турмуш тарзининг маънавий ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар учун меҳнат фаолиятининг ўзига хос турларини ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун уйда ишлаш шароитлари яратиш, халқ хунармандчилигини ривожлантириш каби масалаларга эътибор бериш зарур. Ушбу фаолият турлари орқали аёлларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларга тўлақонли жалб этиш мумкин бўлади.

Аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилишнинг шаклларидан бири, бу улар томонидан кичик ва ўрта корхоналар тузиши кўлаб-қуватлашдир. Шундай корхоналарнинг эгалари бўлган, улар ўзларининг тақдирини қўли билан қилишлари, мустақилликлари орқали бошқа аёлларга таъсир кўрсатиши. Кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш ташаббускорлига янги ҳодимлар керак бўлиши натижасида ҳам аёлларнинг кўпроқ қисмини ишлаб чиқаришга жалб қилиш учун замин яратилади.

Аёлларни ишлаб чиқаришга жалб қилишда бола тарбияси, яъни иш вақтида уларга қараб туриш муаммолари жиддий тўқнаш ҳисобланади. Тадиқотлар шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда аёллар агар болаларини мактабга тарбия муассасалари, куну зайитрилган гуруҳ ва хонадонларга жойлаштира олсалар, ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашишга ҳоҳиш билдирадилар. Бу муаммонинг ечимини сифатида кўпгина мамлакатларда ҳусусий боғчаларни тузиш амалиёти анча даврдан бери қўлланилмоқда. Бунда малакали педагоглар, тиббиёт ходимлари ва шу каби мутахассислар тегишли ташкилотларнинг руҳсати билан, шундай болалар боғчалари очиллари мумкин бўлиб, уларда ишни давлат дастурлари асосида олиб боришлари лозим. Бундай болалар боғчаларининг яхши томони, уларда болалар сони кўп бўлмаслиги сабабли, ҳар бир боллага алоҳида эътибор бериш имконияти ортади.

Бизнинг жамиятимизда аёлларни ижтимоий ҳимоялаш учун кўп ишлар қилинапти. Аёллар ҳуқуқларининг асосий кафолатлари Конституция билан ҳимоя қилинади. Ижтимоий кафолатлар асосан турли нафақалар ва имтиёзлар орқали амалга оширилади. Бу эса ишлаётган аёлларга, бола туғиш таътилидаги аёлларга, кўп болали оналарга, ногирон аёлларга берилади. Ишсизлик нафақалари ҳамда касб ўрганиш ва қайта таълим даврларида стипендиялар тўланмоқда.

Янги иш жойлари ташкил қилаётган, шу жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, ногиронлар, болали ёлғиз оналарни иш билан таъминлаётган тадбиркорлик тузилмаларига, тақсилотларга давлат ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатишмоқда. Бу тизимни тақомиллаштириш мақсадида қўнилий асосда аёллар учун иш жойлари ташкил қилиш йўлида гамхўрлик қилаётган тузилмаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш мақсадида мувофиқдир. Хорижий таъриба кўрсатмоқдаки, дунёнинг кўпчилиги мамлакатларида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари нафақат уларни кўлаб-қуватлашга, балки ижтимоий ҳаётга фаол жалб қилишга ҳам қаратилган. Жамиятимиз ногиронлар ўзларини тўлақонли инсонлар сифатида ҳис қилишлари эришиш учун ҳаракат қилади.

Аёллар учун ишлаб чиқаришда янги меҳнат шароитлари ярати берилиши уларнинг жисмоний ва маънавий баркамолликларига ижобий таъсир кўрсатади, болалар тарбияси билан етарлича шуғулланишлари учун имконият яратаяди.

Аёлларнинг соғлом авлоди тарбиялашдаги ролини таъкидлаш билан бирга шуни ҳам айтиш зарурики, соғлом авлод тушуначаси фақат жисмоний соғломликни эмас, балки олий даражадаги ахлоқийлик ва маънавий идеалларни ҳам қамраб олади. Шу нуқтаи назардан қараганда, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустақамлаш, уларнинг ўз асосий вазифаларини бажаришлари ёрдам беради.

Ҳолмат САМАТОВ,
Тошкент Давлат Иқтисодий университетининг доценти.

Авалло жисмоний тарбиянинг ҳаётимиздаги аҳамиятини англаб олиш керак. Жисмоний чиник-чакан одам соғлом бўлади. Мабода саломатликка пу-тур отса, иш кунини йўқотилади, даволашишга маблаб сарфланади, беморлик кунлари учун ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан нафақа тўланади. Демак, жисмоний тарбиянинг иқтисодий-моддий фойдаси бор. Унинг маънавий аҳамияти шундаки, соғлом кишининг руҳи тетик, ақлий қобилияти юқори бўлади. Бинобарин, Президентимиз, ҳуку-матимиз томонидан баркамол авлодини тарбиялаш вазифаси ўстувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган экан, бу борадаги фаолиятнинг асосий омилларидан бири жисмоний тарбияни ривожлантириш бўлиб қолаверад.

Пайларик туманидаги мактабларда Вазирлар Маҳкамасининг болалар спортини ривожлантиришга оид қарори қабул қилингандан сўнг анчагина ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳомий ташкилотлар ва мактаблар раҳбарлари иштирокида семинарлар ўтказилди. Муаммолар ўрганилиб, ҳал этиш чоралари белгиланди. Туман миёсига махсус дастур ишлаб чиқилди. Кўплаб спорт тадбирлари ўтказилди.

Бирок ўтган ойлар мобайнида амалга оширилган ишлар натижасидан ҳали қон-қош ҳосил қилиш қийин. Чун-

ки тумандаги мактаблар спорт иншоотларининг жиҳозлар билан таъминлиши даражаси анча паст. Мавжуд спорт майдончалари талабга жавоб бермайди. Ачинарлиси, жисмоний тарбия дарсларига муносабат тубдан ўзгарган, дея айти олмаимиз. Айтилик, тумандаги 25-умумтаълим мактабида бўлганимизда жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Н.Алла-

воб беролмади. Сўнгра бу метрлик спорт зали томидаги 18 метрлик бетон тўсиқлардан бири ҳам емирилиб бормоқда.

— Бу масалада муружаат қилмаган идорамиз қолмади, — дейди мактаб директори О.Ўқубожонов. — Ахир, бирор қор-қўл рўй беришидан ваҳитирлиб, спорт залини бутунлай ёпиб қўйдик. Қишининг со-

Дўст ачитиб гапиреди

қўйиш ҳоллари рўй бермоқда. Тумандаги 6-мактабда ҳам ахвол худди шундай.

Яхшигина имкониятлар бор бўлган 3-мактабда айни пайтда ачинарили вазият юзага келган. Мактаб биноси 1971 йилда қурилган. Йиллар давомида томдан сув силқиёвериши натижасида биноларни туташтирувчи ҳавозалардан бирининг томидаги бетон плита ўтган йили қулаб тушди. Ик-

кинчиси ҳам қулайдиган даражага етган. Мактаб спорт зали томидаги 18 метрлик бетон тўсиқлардан бири ҳам емирилиб бормоқда.

— Бу масалада муружаат қилмаган идорамиз қолмади, — дейди мактаб директори О.Ўқубожонов. — Ахир, бирор қор-қўл рўй беришидан ваҳитирлиб, спорт залини бутунлай ёпиб қўйдик. Қишининг со-

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

ДАРС СИФАТИ

унга муносабатнинг қандайлиги билан белгиланади

ки тумандаги мактаблар спорт иншоотларининг жиҳозлар билан таъминлиши даражаси анча паст. Мавжуд спорт майдончалари талабга жавоб бермайди. Ачинарлиси, жисмоний тарбия дарсларига муносабат тубдан ўзгарган, дея айти олмаимиз. Айтилик, тумандаги 25-умумтаълим мактабида бўлганимизда жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Н.Алла-

Осиё чемпионолар лигаси

«ПАХТАКОР» ГУРУҲ ҒОЛИБИ

Футбол икки хил бўлади: ўша, ўзимиз билган ва кунда кўриб юрган футбол ҳамда ахён-ахёнда томоша қилиш насиб этмаган катта футбол. Тошкентда бўлиб ўтган ва беш кун мобайнида муҳлисларни ҳис-ҳаяжонда ушлаб турган Осиё чемпионолар лигасининг «Д» гуруҳ баҳсларини ҳеч бир мулобағасиз катта футбол деб ата-шимиз мумкин. Наники, биз халқроқ турнирдагина юза-га калкиб чиқадиган қарийб барча жиҳатларга бевоси-та шохидлик қилдик.

марказидан бошланган ҳамоноқ кўзга ташланди. Кези келганда бир нарсани эътироф этишимиз лозим. «Ниса» шу кунги бир мунча дадиллик билан тўп сурди. Лекин ҳал қилувчи паллада, юқорида таъкидлаганимиздек, тақрибасизлик панд берди. Шундай бўлса-да ашгабодликлар мураббийининг орзуси ушалди. «Ниса» ниҳоят ра-қиб дарвозасига тўп кирит-ди. Лекин бунгача масала-га нуқта қўйилган эди. Ҳис-об-1:4

Шундай қилиб «Пирузи» олти очко тўплаб, «Д» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллади.

Осиё чемпионолари лига-си ярим финалига берила-диган ягона йўлланма Тош-кентнинг «Пахтакор» жамо-асига насиб этди. «Чарм тўп» усталаримиз дуранг ҳам кифоя қилишини бил-салар-да таваққалликдан ўзларини тийдилар. Соф галабага бўлган интилиш ўз самарасини берди.

Биринчи бўлимда Алек-сандр Крохмал ва Гачкули Гачкулиевларнинг зарбаси-дан сўнг олдинга ўтиб ол-ган «Пахтакор», иккинчи бўлимда ҳам яна битта тўп киритиб (А.Крохмал) 3:0 ҳисобида йирик галабага эришишди.

якуний жаҳвал

	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	3	3	0	0	7:0	9
2. «Пирузи»	3	2	0	1	5:2	6
3. «Ал-Талаба»	3	1	0	2	3:4	3
4. «Ниса»	3	0	0	3	1:10	0

Тўғри, савия ва маҳорат борасида ҳали кўп иш қилиш керак. Қолаверса, тўксон дақиқа давомида тезкор суръатда ўйнаш ҳозирча китъадошларимизга оғирлик қилаётир. Буни биз турнир арасида ўз имкониятларини бошқа жамоалардан бир неча поғона юқори баҳолаган «Пирузи» футболчиларининг ҳаракат доирасини оддий кўз билан чамалаш орқали ҳам қилиб олдик. Ҳатто қарши ҳужум тактикасини қўлаш-да муайян таъриба орттир-ган «Ал-Талаба» ҳам тезкор-лик бобида мактанолмайди. Ашгабоднинг «Ниса» фут-болчилари учун эса Тошкент турнири ўзига хос сабоқ бўлди. Жамоанинг турли са-бабларга қўра аввалги бос-қичлардан озод қилингани анча қимматга тушди, чамаси. Яхшигина тарихига эга бўлса-да, халқроқ учрашу-лар ҳадисини олмаганлик пайд берди. Бир сўз билан айтганда, футболчилар май-донда ўзларини йўқотиб қўйишди. Бу, айниқса, «Ал-Талаба» ва «Пирузи» билан кечган ўйинларда яққол кўзга ташланди.

Энди турнирнинг ҳал қилувчи сўнги кун ҳақида. Маълумки, ушбу тур олди-дан гарчанд «Пахтакор»нинг



15-17 март кунлари Тошкент-да «Сарчашмаларга қайтиш» деб номланган Япониянинг замона-вий мусиқаси концерти бўлиб ўтади.

Ўзбекистон ва Япония ўрта-сидаги маданий ҳамкорликнинг ривожини мамакатимиз халқига Япония маданиятининг ажойиб намуналари билан танишиш им-конини берди. Японияда асрлар оша мусиқа одамларни руҳлан-тириб, қалбини ҳаяжонга солиб келган. Япония пуфлаб чалина-диган чолғу асбоблари минг

«САРЧАШМАЛАРГА ҚАЙТИШ»

да Токио миллий нафис санъат ва мусиқа университети мусиқа-чилари Тошкентга ўзларининг ажойиб концерт дастури билан ташриф буряди. Аънавий Япо-ния мусиқа асбобларида замона-вий мусиқаларни ижро этиш бу дастурнинг асосини ташкил эта-ди.

Тадбирлар Ўзбекистон Бадий академияси Маданият карвон са-

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚЮМОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Заверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва ёлланар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00

Топширилди - 22.30

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа ақшидорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.